

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРЗИЕВ ЗУБАЙДИЛЛО ИБОДИЛЛОЕВИЧ

ҲУЖВИРИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ АНТРОПОЛОГИК ВА
ГНОСЕОЛОГИК АСОСЛАРИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**
**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Нарзиев Зубайдилло Ибодиллоевич Хужвирий таълимотининг антропологик ва гносеологик асослари.....	5
Нарзиев Зубайдилло Ибодиллоевич Антропологические и гносеологические основы учения Хужвири.....	23
Narziyev Zubaydillo Ibodilloevich Anthropological and gnoseological basics of Khujviri teaching.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРЗИЕВ ЗУБАЙДИЛЛО ИБОДИЛЛОЕВИЧ

ҲУЖВИРИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ АНТРОПОЛОГИК ВА
ГНОСЕОЛОГИК АСОСЛАРИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fal34 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Наврўзова Гулчехра Неъматовна фалсафа фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Шодиев Рустам Тоҳирович фалсафа фанлари доктори, профессор Қодиров Муҳаммаджон фалсафа фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Навоний давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли илмий кенгашнинг 20 20 йил « 15 » декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14; факс: +99865221-29-14; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (212 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14).

Диссертация автореферати 2020 йил « 1 » декабрь кунни тарқатилди.
(2020 йил « 30 » ноябрь даги 1 - рақамли реестр баённомаси.)



К.Б.Шодмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа ф. д., профессор

А.Э. Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа ф. н., доцент

Х.Ю. Саломова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фалсафа ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқлари ахлоқий қиёфасининг такомиллашувида Шарқ халқлари маънавий меросини шакллантириш ғояларини илгари суриш, айниқса, ижтимоий-сиёсий, диний-ирфоний, антропологик қарашлар тизимини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Хужвирийнинг маънавий, тасаввуфий-фалсафий таълимотида ёшларни ўзликни англаш ҳамда антропологик ва гносеологик меросидаги «соф инсон» – янги ирфоний фаол шахс моделини шаклланиши ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топтириш билан бирга глобаллашув жараёнида «оммавий маданият» ва «ахлоқий нигилизм» каби иллатларга қарши курашиш тенденцияларини аниқлаш ҳозирги кунда энг долзарб масалалар қаторига киради.

Дунё замонавий фалсафасида биологик инсон ва инсон табиатига эга бўлган мавжудот ўртасидаги тафовутларни ўрганиш бўйича антропологик ва гносеологик назариялар илгари сурилмоқда. Хусусан, Хужвирийнинг «Кашф ул маҳжуб ли арбоб ал қулуб» асаридаги маънавий, тасаввуфий-фалсафий меросининг айрим назарий жиҳатлари тадқиқ этилмаганлиги, янги замонавий ёндашувлар асосида комил инсонни тарбиялашдаги муаммолар ечимида шахснинг маънавий (руҳ, нафс, қалб тарбияси), жисмоний (тана) ривожланишини ўрганиш, илм ва амал бирлигидаги қарашларни тадқиқ қилиш бугунги кунда илмий-назарий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда буюк алломаларнинг илмий-назарий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни аждодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. «Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз»¹. Бу борада тажрибадан ўтган, аниқ илмий хулосаларга эга аждодлар маънавий меросидаги антропологик ва гносеологик йўналишдаги илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш заруриятини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 июндаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. <http://uz.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

ПҚ-3808-сон «Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустақамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сонли «Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва кўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тасаввуфшунослигида Муҳаммад Аббос, Муҳаммад Ҳусайн Фозил Девбандий, Аҳмад Алшоҳ ҳамда Ҳожи Қурбон Али, Ҳомидий Раббоний, Муҳаммад Ҳусайн Тасбеҳий, Ҳазрат Пир Муҳаммад Карам Шах, Аллома Фазлиддин Гухар, Ғулом Сурур, Нур Аҳмад Чиштий, Муҳсин Зокир ал –Ҳусайний, Муҳаммад Мусо Амратсарий, Исмоил Пошшо Бағдодий, Абдуррашид, Аҳмад Самиъий, Тоҳир Ризо Бухорий, Жавид Мужаддий, Муҳаммад Нажиб Раҳмон, Аҳмад Рафиқий Ахтар, Муҳаммад Қосим Замон, Ҳазрат Саид Муҳаммад Дауқи Шох, Шаҳидуллоҳ Фариди, Воҳид Бахш Раббоний, Асъод Абдулходи Қандил, Муҳаммад Али Ризо кабиларнинг илмий изланишлари алоҳида эътирофга лойиқ². Ҳужвирийнинг тасаввуфий меросини, айниқса мутасаввифнинг «Кашф ул маҳжуб» асарини Ғарб тасаввуфшунос олимларидан Р.А. Никольсон, В.Жуковский, Н.И.Пригарина, А.Орлов, А.Корбен, Сулаймон Улудоғлар турли тилларга таржима қилишган.

Ҳужвирий ҳаёти ва тасаввуфий-илмий мероси, унинг «Кашф ул маҳжуб» асарига бўлган қизиқиш XII асрдан бошлаб вужудга келган. Жумладан, Муҳаммад бин Мунаввар бин Абу Саид бин Абу Тоҳир бин Абу Саид, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Фаридиддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Муҳаммад Дорошуқуҳ, Яъқуб Чархийлар тадқиқотларини келтириб ўтиш ўринли³.

Мамлакатимизда ушбу мутасаввифнинг меросини ўрганиш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Филология фанлари докторлари Н.Комилов, И.Ҳаққулов, Ш.Сирожиддинов, Ҳ.Ҳомидий, А.Абдуллаев, Ҳ.Болтабоев,

² Mohammadi Kale Sar Ali Reza. Hujviri's methodology in defining and criticizing the sufizm terminology. Persian literature (Faculty of letters and humanities) Fall 2015-Winter 2016, Volume 5, Number 2 (16); – P. 149 - 168.

³ Алишер Навоий. Насоимул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. 17 том. – Тошкент: Фан, 2001. – 534 б.; Фаридуддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – 464 б.; Муҳаммад Порсо «Фаслул-хитоб». Қўлзма. – Бухоро: Когон, нақшбандия тариқати музейи фонди. Инв.42.1443. – 774 б.; Муҳаммад Порсо. «Таҳқиқот», – Бухоро: Марказий АКМ Шарқ қўлзмалари бўлими. INV /137 рақамли қўлзма. – 305 б.

М.Н.Болтаев, Р.Т.Шодиев, Г.Н.Наврўзова, Х.С.Кароматов, З.Қосимова, М.Маматов, Г.С.Юнусова, З.Исақова, А.Азизкулов, Б.Б.Намозов, К.Раҳимов, Н.Н.Рамазонов каби олимларимиз Хужвирий ва «Кашф ул маҳжуб» асаридаги айрим тасаввуфий ғоялар таҳлили ривожда муносиб ҳиссаларини кўшишди⁴.

Шарқ тасаввуфшунос олимларидан Қосим Ансорий, Маҳмуд Обидий, Алиасғар Абдулло тадқиқотларида ҳам Хужвирийнинг ҳаёти ва ижоди, шунингдек, мутафаккирнинг «Кашф ул маҳжуб» асарини турли тилларга таржима қилишган ва Хужвирийнинг тасаввуф оламидаги ўрни ёритиб берилган. Айниқса шарқшунослар ва тадқиқотчилар бугунги кунга қадар Хужвирийнинг меросини ўрганиш, «Кашф ул маҳжуб» асарини шарқ тилларига таржима қилиш борасида диққатга сазовор ҳисса қўшганлар ва мутасаввиф ҳақида бир қатор биографик рисолалар ёзишган⁵. Хужвирийнинг ҳаёти, таълимоти, унинг маънавий, тасаввуфий-фалсафий меросининг айрим жиҳатларини тожик олимлари ва тадқиқотчиларидан М.Ҳазраткулов, Р.Ходизода, Х.Шарифов, А.Насриддинов, Н.Салимовлар тадқиқ этишда ўзига хос ҳисса қўшганлар. Жумладан, тадқиқотчилар Ф.Шарипова, Ф.Салимовлар Хужвирийнинг «Кашф ул маҳжуб» асари устида филологик йўналишда диссертацион тадқиқотлар олиб боришган⁶.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тилшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Хужвирийнинг антропологик ва гносеологик қарашлари махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилган ва унинг «Кашф ул маҳжуб ли арбоб ал қулуб» (Қалб эгалари учун ҳижобнинг очилиши) асари фалсафий матнда фойдаланиш маҳорати монографик тарзда текширилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

⁴ Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 94-96.; Абдуллаев А. Тасаввуф ва унинг намояндалари. Илмий-оммабоп рисола. Термиз. 2007. – 198 б.; Наврўзова Г.Н., Рахматова Х.Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. Бухоро. 2010. – 160 б.; Намозов Б.Б. Абу Бакр Калободий тасаввуфий қарашларининг фалсафий асослари. Тошкент: Фан. -79 б.; Исақова З. Ал-Хужвирийнинг «Кашф ул маҳжуб» асари – тасаввуф илмига оид муҳим манба. Ўзбекистон тарихи ёш тадқиқотчилар нигоҳида. Ёш тарихчи олимларнинг илмий мақолалари тўплами. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 8-12.; Рамазонов Н.Н. Алишер Навоий ижодида фақр талқини ва фақир образи. Фил.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 56.; Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: Таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши(VIII-XI асрлар). – Тошкент: Akademyashr, 2020. –396 б.; Раҳимов К. Хожагон-Нақшбандия тариқати ва етти пир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 168 б.

⁵ Ғазнавий Алии Хужвирий. «Кашфу-л-маҳжуб» / Матни тасхехкардаи Валентин Жуковский. Мукаддимаи Қосим Ансорӣ. – Техрон: 1371. – 672 с.; Хужвирий Алӣ ибни Усмон «Кашфу-л-маҳжуб» / Мукаддима, тасхеху, таълиқоти Маҳмуди Обидӣ. – Техрон: Суруш, 1383. – 1154 с.; Хужвирий Алӣ ибни Усмон. «Кашфу-л-маҳжуб». Аз руи матни тасхехшудаи Валентин Жуковский. Виростории Алиасғари Абдуллоҳӣ. – Техрон: Дунёи китоб, 1981. – 406 с.

⁶ Шарифов Х. Дурдонаҳои наср. Ч.1, Намунаҳои насри форсу тоҷик-асрҳои X-XIII. – Душанбе: Ирфон. 1987. – 560 с.; Ҳазраткулов М. Тасаввуф. –Душанбе: Маориф, 1988. – С. 126.; Ходизода Расул. Тасаввуф дар адабиёти форс-тоҷик. – Душанбе: Адиб, 1990. – 188 с.; Шарипова Ф.Х. Лексико-семантический особенности «Кашф ул маҳджуба». Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Душанбе. 2002. – 144 с.; Салимов Ф.Н. «Кашфу-л-маҳджуба» – старейший трактат по суфизму на персидском языке. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Худжанд. 2008. – 162 с.

Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2020 йилларга мўлжалланган № ОТ-Ф1 «Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари» мавзусидаги тадқиқот лойиҳалари билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хужвирий таълимотидаги антропологик ва гносеологик ғояларнинг илмий-назарий, маънавий-маърифий ўрнини асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хужвирий яшаган давр, ижтимоий-сиёсий вазият, маданий-маънавий ҳаёт ва мутасаввиф дунёқарашига таъсир кўрсатган омилларни аниқлаш;

«Кашф ул маҳжуб» тасаввуф ва илк тариқатлар тарихини ўрганишга оид муҳим манба эканлигини асослаб бериш;

Хужвирий таълимотида тасаввуф антропологияси ва инсон борлиғи муаммосини фалсафий жиҳатларини очиб бериш;

Ҳижобларнинг очилиши йўллари асосида Хужвирийнинг комил инсон концепциясини илмий жиҳатдан асослаб бериш;

Хужвирийнинг тасаввуф гносеологияси, рационал ва иррационал билишнинг алоқадорлиги хусусидаги ғояларини ўрганиш;

«илм» тушунчаси, илмларнинг таснифи, илм ва амал, олим ва жоҳилга оид қарашларни таҳлил ва тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хужвирийнинг маънавий мероси, «Кашф ул маҳжуб» асаридаги фалсафий ғоялар ҳамда мутасаввиф таълимотига оид назарий манбалар танланган.

Тадқиқотнинг предметини Хужвирий таълимотининг антропологик ва гносеологик асослари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихийлик, мантикийлик, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, диалектик, герменевтик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хужвирийнинг гуманистик ғояларга асосланган бой маънавий мероси, мутасаввифнинг тасаввуф ва илк тасаввуф тариқатлар назариётчиси эканлиги, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссасига алоқадор билиш фаолиятига, тасаввуф тарихини ёритишга, ҳадисларнинг рационал шарҳига, ислом ҳуқуқини асослашга оид жиҳатлари исботлаб берилган;

Хужвирий илмий меросининг «соф инсон» – янги ирфоний фаол шахс моделини шаклланишига олиб келган таълимотидаги инсон камолотига тўсиқ бўлиб ҳисобланган мадар – лой, қадар – лойқалик ва ўн бир босқичли ҳижоблардан қутулиш орқали сафо – софликка эришиш каби тасаввуфий тушунчаларнинг экзистенциал моҳияти очиб берилган;

Хужвирий комил инсонга мутлақ мукамал реаллик сифатида ёндашиб, ушбу муаммо ечимида инсон борлиғига алоқадор ақл, рух, қалб, нафс

тарбияси ва жисмоний ривожланиш концепциясини илгари сурганлиги методологик ёндашув орқали асосланган;

Хужвирийнинг «Кашф ул маҳжуб» асаридаги илм ўрганиш, жаҳолатга қарши маърифат, илм ва амал бирлиги ҳамда масъулиятлилик ҳақидаги ғоялари ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда муҳим тамойиллар эканлиги мантиқий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таълим жараёнида талабаларда бугунги кунда мамлакатимизда бўлаётган ижобий ўзгаришларни англаб, ижтимоий фаол бўлиш, касб-хунар эгаллаш, ёшлар маънавий дунёқарашининг юксалиши ва фалсафий мушоҳадасининг кенгайиши ёритилган;

илмий-тадқиқот ишида илгари сурилган хулосалар, таклифлардан диний-маърифий таълим муассасалари учун маъруза матнлари, услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган;

Хужвирийнинг «Кашф ул маҳжуб» асаридаги антропологик ва гносеологик ғоялар оила институтини мустаҳкамлаш, тарбиявий ва маданий-илмий салоҳиятни ошириш, тарбияда умуминсоний кадриятларнинг ўрнини юксалтириш имкониятлари исботланган;

жаҳолатга қарши маърифат, илм ва амал, маънавий барқарорликка эришиш каби профилактика ва тарғибот-ташвиқот ишлар натижаси асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, унинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, назарий маълумотлар ва фактик материаллар ишончли илмий-фалсафий, тасаввуфга оид манбалардан олинганлиги, тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, диалектик, герменевтик таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, умумбашарий цивилизация, миллий тараққиёт ва баркамол авлод тарбияси учун буюк алломаларнинг маданий-маънавий ҳамда илмий-назарий мероси, жумладан, Хужвирий тасаввуфий-фалсафий мероси асосида ўрта аср тасаввуф тариқатлари, антропологик ва гносеологик ғояларнинг генезиси, эволюциясини илмий, назарий-методологик жиҳатдан англашга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Тасаввуф назарияси ва тарихи», «Фалсафа», «Тасаввуф» «Дин социологияси», «Нақшбандия тариқати асослари», «Миллий ғоя тарихи ва назарияси» фанларидан машғулотлар олиб боришда ҳамда ўқув қўлланма, дарслик, мажмуалар яратишда, луғат-маълумотномалар тузиш, шунингдек, Хужвирий тасаввуфий-фалсафий мероси, мутасаввифнинг инсон ва билиш

ҳақидаги қарашлари бўйича келажакда амалга оширилиши зарур бўлган тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳужвирий таълимотининг антропологик ва гносеологик асосларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

Ҳужвирий илмий меросидаги «соф инсон» – янги ирфоний фаол шахс моделини шаклланишига олиб келган таълимотининг тасаввуфий-фалсафий моҳияти, мутасаввиф таълимотида асосланган инсоннинг тана, руҳ, нафс ва қалб тарбияси орқали маънавий-жисмоний ривожланиш концепцияси каби илмий-назарий хулосаларидан 44-20/60 рақамли «Бухоро ҳунармандчилиги дунё нигоҳида» мавзусидаги амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 августдаги 89-03-2732-сонли маълумотномаси). Натижада ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалиши, мафкуравий иммунитетнинг шаклланиши ва фалсафий мушоҳадасининг кенгайтилишига эришилган;

Ҳужвирийнинг гуманистик ғояларга асосланган бой маънавий мероси, мутасаввифнинг тасаввуф ва илк тасаввуф тариқатлар назарий-таҳқиқот эканлиги, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссасига алоқадор жиҳатлари тўғрисидаги илмий хулосалари ва янгиликларидан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги «Тасаввуф илми мактаби» ҳамда Мир Араб олий мадрасаси талабалари учун «Тасаввуф назарияси», «Тасаввуф» курсларидан ўқув қўлланма тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитасининг 2020 йил 22 июлдаги 3976-сонли далолатномаси). Натижада Ҳужвирийнинг тасаввуф ва илк тариқатлар назарий-таҳқиқот эканлиги, мутасаввифнинг тасаввуф гносеологияси, рационал ва иррационал билишнинг алоқадорлиги билан боғлиқ бўлган назарий хулосалар чиқаришга эришилган;

«соф инсон» – янги ирфоний фаол шахс моделининг моҳияти ҳақидаги маълумотлар ва илмий хулосалардан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг илмий-маданий жамоатчилигини кенг хабардор этиш ҳамда уларнинг касбий маҳоратини ошириш бўйича методик ўқишларида, каталоглар, альбомлар, илмий-амалий материаллар базасини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказининг 2020 йил 19 майдаги 02/130-сонли далолатномаси). Натижада ёш авлодда ислом дини ва тасаввуф тўғрисида, ислом дини ниқоби остидаги бузғунчи диний-экстремистик оқимларнинг соф исломдан йироқ эканлиги борасида кўникмаларнинг шаклланишига хизмат қилган;

«комил инсон», «соф инсон» каби камолот даражасигача юксалиши масаласи, комил инсон концепцияси, ўзликни англаш, илм ўрганиш, жаҳолатга қарши маърифат, илм ва амал каби илмий янгиликлар, амалий тақлиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг

2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сонли «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ўтказилган «Биз маърифатли ислом тарафдоримиз!» шиори остида ўтказилган тадбирларнинг сценарийларини тайёрлаш ва амалга оширишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 9 июлдаги 02/07-640 сонли маълумотномаси). Натижада жаҳолатга қарши маърифат, илм ва амал, маънавий барқарорликка эришиш каби профилактик тадбирларда юқори натижаларга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола (жумладан, 5 та республика ва 4 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти параграфдан иборат уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 160 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг «**Хужвирий – ирфоний фалсафа назарийчиси**» деб аталган биринчи бобида Хужвирий дунёқарашининг шаклланиши ва тасаввуфий-фалсафий қарашларининг илмий-назарий асослари, «Кашф ул маҳжуб» асарининг тасаввуф ва илк тариқатлар тарихини ўрганишга оид муҳим манба эканлиги тадқиқ этилган. Абулҳасан Али ибн Усмон Жуллобий Хужвирий XI асрнинг бошларида Хуросоннинг маданий жиҳатдан ривожланган марказларидан бири Ғазнавийлар давлатининг пойтахти бўлган Ғазнада туғилган. Мутасаввиф ўз даврининг «Қудват ус-соликийн» (Солиқларнинг асоси), «Зубдат ул-орифийн» (Орифларнинг қаймоғи), «Хужжат ул-комилин» (Комиллар хужжати), «Санад ул-восилийн» (Ҳақ васлига етувчилар суянчиғи), «Мазҳар ул-улум» (Илмлар мазҳари), «Маҳдуми умам»⁷ (Умматнинг хизматкори) каби унвонлар билан улуғланган ва тасаввуф назарияси, таълимоти ва фалсафаси ривожига беқиёс ҳисса

⁷ Аллома Фазлиддин Гуҳар. Кашф ул-маҳжуб. Урду тилидан таржима. Лаҳор, 2010. - Б. 7

қўшган. Диссертацияда Хужвирийнинг тасаввуф назариётчиси сифатидаги ўрнига баҳо берилар экан, тасаввуфни ҳар хил шаръий бўлмаган қараш ва тушунишлардан тозалашда, тасаввуф шариатнинг мазмун-моҳияти эканлигини исбот этишда унинг алоҳида хизматлари эътироф этилган. Шунингдек, Хужвирий тасаввуф фалсафасини ислом шариатида куфр ҳисобланган сўз, ҳол ва фикр-қарашлардан тозалашда, уни онгли, холис, мушоҳадали диний фалсафага айлантиришда фидоийлик кўрсатган. Тасаввуф муҳим ижтимоий институт ва оламни тушунишнинг алоҳида ботиний концепцияси сифатида ўзининг диний-фалсафий ва ахлоқий мазмунига кўра, Хужвирий дунёқарашининг шаклланиши ва ривожланишида катта рол ўйнаган.

Диссертацияда Хужвирий ўзининг тасаввуф тарихи, ирфон, калом, фикр, фалсафа ва мантиқ илмларига оид чуқур мулоҳазали фикрлари ва қарашлари билан тасаввуф таълимотининг кейинги даврлардаги тараққиёти учун муносиб замин яратиб берганлиги асосланган. Хужвирий ўзининг теран ва кучли мантиққа асосланган таҳлилий-танқидий фикрлари орқали тасаввуфни бир томондан шариат вакиллариининг диндан чекингани ҳақидаги айбловлари, бошқа томондан, файласуфлар ва мутакаллимлар, муътазиллийларнинг рационалистик фикрлари атрофида қолган тасаввуф таълимоти исломга зид ва бидъат, ношаръий илм, муҳолиф ва маърифатсизлик илми билан айбланган бир вақтда уни жамият ҳаётидан чиқиб кетиш хавфидан қутқариб қолган. Хужвирийнинг тасаввуф тарихидаги энг катта хизматларидан бири шундаки, бир томондан назариётчи сифатида тасаввуфни назарий жиҳатдан исботлаб бергани бўлса, бошқа томондан тасаввуфни шариат қоидалари билан мувофиқлаштириб, унга рационал нуқтаи назардан ёндашиш мумкинлигини исботлаб, тасаввуфнинг яшовчанлигини «Кашф ул маҳжуб» асаридаги мулоҳазалари орқали асослаб берганлигидир. Шундай экан, тасаввуфнинг бошқа назариётчилари сингари Хужвирийнинг илмий мероси, фалсафий-ирфоний қарашларини ўрганмасдан туриб, тасаввуф тарихи, назарияси хусусида умумий ва якуний хулоса чиқариб бўлмайди.

Хужвирийнинг яратган асарлари мукамал ва ўз даврининг энг муҳим тасаввуфий муаммоларига қаратилганлиги билан эътиборга моликдир. Хужвирий тасаввуф таълимотининг вужудга келиши, унинг моҳияти ва асосий тушунчалари, ундаги илк тариқатларининг вужудга келиши ва бири-биридан фарқ қиладиган ғоялари баён этилган «Кашф ул маҳжуб» асарининг муаллифи сифатида ислом оламида кенг эътироф этилган. Мутасаввифнинг ўз даври маданиятидан юксак даражада фойдаланганлигини «Кашф ул маҳжуб»даги фикрлари ва таҳлилларидан очик тарзда билиб олиш мумкин. Илк тасаввуф тариқатлари ҳақидаги ишончли маълумотлар, уларнинг концепциялари, тариқат асосчиларининг номлари Хужвирийнинг «Кашф ул маҳжуб» асарида илк бора тадқиқ ва тасниф этилган. Хужвирий илк давр

суфийлик тариқатларини ўн иккита⁸ деб эътироф этиб, уларнинг ўнтасини маъқуллаган ва иккитасини танқид қилган ва мазкур тариқатларнинг асосий концепцияларини ёритиб берган. «Кашф ул маҳжуб»да муҳосибийлик, қассорийлик-маломатийлик, тайфурийлик, жунайдийлик, нурийлик, саҳлийлик, ҳакимийлик, харрозийлик, хафифийлик, сайёрийлик сингари ўн тариқат мақбул тариқатлар сифатида тилга олинган⁹. Мардуд (рад қилинган) тариқатлар сифатида хулулийлик ва халложийлик келтирилган. Ҳужвирий томонидан илк тасаввуфий тариқатларнинг махсус тадқиқ этилишига сабаб илк тариқатлар томонидан ўртага ташланган ғоялар, тариқат асосчиларининг тасаввуф соҳасида қўлга киритган тажрибалари, тасаввуфдаги рухий ҳолатлар, улар тажрибасидан ўтган ҳол мақомларидаги илоҳий мукошафалар борасида бир қатор назарий хулосаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўлган. Юқорида кўрсатилган тариқатлар таълимотлари негизида тасаввуфнинг шахс камолотига оид бўлган тўрт босқичли назарий ва амалий асоси яратилган. Буларга шариат асосида зоҳирни поклаш, тариқат билан ботинни поклаб, Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш, маърифат билан Аллоҳни таниш, интиҳода ҳақиқатга эришиб, комиллик даражасига кўтарилиш киради. Ҳужвирий томонидан илк тариқатлар, улардаги мушоҳада ва мужоҳада усулларининг яхлит тарзда ўрганилиб, тадқиқ этилиши тасаввуф назариясини ишлаб чиқишда муҳим омил бўлган. Зеро, юқорида зикр этилган тасаввуф тариқатларининг XII-XV асрларда юзага келган мумтоз тариқатлар ғояларининг шаклланиб, ривожланишида таъсири кучли бўлган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Ҳужвирий қарашларида тасаввуф антропологиясининг диний-фалсафий, методологик муаммолари»** деб номланиб, унда Ҳужвирий таълимотида тасаввуф антропологияси ва инсон борлиғи муаммолари, комил инсон концепцияси каби масалалар таҳлил этилган. Ҳужвирий «Кашф ул маҳжуб» асарида антропологик масалаларни долзарб муаммолардан бири сифатида батафсил ва кенгроқ кўриб чиқишга ҳаракат қилган. Унинг тасаввуфий-фалсафий меъроси ва таълимоти серқирра бўлиб, ўз даврининг барча фалсафий тушунчалари, таълимотлари ва ғояларини қамраб олган. Антропологик қарашларида мутасаввиф ўрта аср тафаккури ҳамда таълимотлари ғояларини умумлаштириб, инсон муаммосини ислом ва тасаввуф фалсафаси нуқтаи назаридан таҳлил қилган. Бундай ёндашув унинг дунёқарашида ўзига хос тарзда хусусийлик касб этади. Инсоннинг онтологик ва гносеологик масалаларини ечишда муаммога антропологик қарашлар позициясидан ечим топиш кераклиги Ҳужвирийга хос хусусият бўлиб ҳисобланади. Мутасаввиф инсонга микрокосмос (кичик олам) нуқтаи назаридан ёндашиб, «инсон Аллоҳ томонидан яратилган мавжудлик бўлиб, ҳар бир оламдан бир намунадир. Олам бу икки жаҳондир.

⁸ Али ибн Усман аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесы .Старейший трактат по суфизму // Перевод с английского А.Орлова. Москва: «Единство», 2004. – С. 170-259.

⁹ Абул Хасан Джуллаби Али ал-Худжвири. Кашф ал-маҳджуб. – Л.: 1926; Караматов Х.С. Аскетические и суфийские течения в Хорасане. В кн.: Из истории суфизма: Источники и социальная практика. – Тошкент, Фан, 1991. – С. 27-47.

Инсонда ҳар икки жаҳоннинг нишони бордир. Бу жаҳоннинг нишони ҳаво, тупроқ, сув ва оловдир. У балғам, қон, сафро ва савдо кўринишида таркиб топгандир»¹⁰ – дейди. Тасаввуфнинг инсонни тарбиялашда қизиқадиган асосий нуқтаси унинг қалби ва маънавий камолотидир. Шунини амалга оширар экан, тасаввуф аввало инсон руҳиятини тадқиқ этади. Инсон руҳи дағалдан латифга қараб ҳар бир босқич босишида Аллоҳ билан ўртасидаги пардалардан бири очилади ва соф ҳолга келгандан кейин орада ҳеч қандай парда қолмайди. Бу мартабага эришган руҳ дунёга келишидан олдинги софлигини ҳис қилиб, Ҳаққа яқинликни мушоҳада этади. Айни шу ҳақиқатни англаб етган Хужвирий барча тасаввуф аҳли билан уйғун ҳолатда инсоннинг камолот даражаси ҳақида фикр юритиб, комил инсонни камол топтиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари устида ўзига хос услубда тадқиқотлар олиб борган. Хужвирий инсоннинг ўз моҳияти ва ўзлигини англашида тўсиқлар борлигини қайд этиб, уларга хижоблар (пардалар) деб баҳо берган ва «Кашф ул маҳжуб» асарида антропологик яъни инсонга оид қарашларини ўзига хос тарзда таҳлил қилиб, инсонни Аллоҳдан, асл ҳақиқатдан тўсиб турувчи хижоб – пардалар масаласига махсус эътибор қаратган.

Хижоб луғатларда «монелик қилиш, ёпиш, яшириш маъноларини англатувчи «ҳажб» сўзи ўзагидан келиб чиққан тушунча бўлиб, «парда, икки нарса орасига қўйилувчи тўсиқ, ёпқич» маъносида ишлатилади. «Хижоб» тасаввуфнинг муҳим тушунчаларидан бири бўлиб, ҳақиқатга етиш, Тангри жамолини кўриш, Аллоҳни асл моҳиятини билишга тўсқинлик қиладиган нарса ва ҳодисалардир. Банда Ҳаққа етиши ва ўзининг моҳиятини англаши учун хижобларни бартараф этиши зарур. Хужвирийнинг фикрича, инсон ўз моҳиятини, ўзлигини англаши учун шу парда, тўсиқларни очиши лозим акс ҳолда ўзининг моҳияти ва аслиятини англай олмайди. Инсоннинг Ҳақ билан яқинлашишига тўсиқ бўладиган пардалар тасаввуфда зулмоний ва нуроний дея иккига ажратилган. Зулмоний хижоб вужудда пайдо бўладиган моддий пардалар дея қайд этилса, нуроний хижоблар эса руҳга тегишлидир. Хужвирий хижобларни ўзига хос йўналишда тадқиқ этиб, бу хижобларни «ҳижоби райн» ва «ҳижоби ғайн» тушунчалари орқали таҳлил қилган. Хижоблар ҳақида фикр билдириб, уларнинг икки тури борлигига эътибор қаратган ва «Хижоб икки хилдир: биринчиси хижоби райн дейилади. Иккинчиси хижоби ғайний дейилади. Бу қанча тез вужудга келса, шунча яхши»¹¹ – мазмунидаги фикрни ўртага ташлаб, хижоблар ва уларнинг очилиши ҳақидаги мулоҳазаларга махсус тарзда ўрин берган. Антропологик қарашларида мутасаввиф инсонга **тана, руҳ ва нафс** бирлигида намоён бўладиган хилқат сифатида таъриф бериб, инсоннинг асли илоҳий, танаси тупроқ ва руҳдан иборат деган ғояни илгари сурган. Мутасаввиф инсонни тўрт унсурдан ташкил топганлигини эътироф этиб ва унинг табиатида (сафо)

¹⁰ Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 122

¹¹ Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 9

софлик эмас, балки (кадар) лойқалик сифати борлигига, инсоннинг ана шу сифатдан, яъни лойқаликдан софликка ўтиши қийин эканлигига эътибор қаратиб, «Кашф ул маҳжуб» асарида тариқат аҳлининг ««Сафо башар сифатларидан эмас. Негаки, башар кадар аралашган мадар, яъни лойдир», деганлар. Сафо башарнинг сифати эмас. Лойнинг лойқалиги эса кадар биландир. Башар кадардан ўтолмайди»,¹² – деган фикрни келтирган. Аммо Хужвирий тасаввуфни софлик ва инсон камолоти ҳақидаги таълимот сифатида тавсифлаб, инсонни камолот сари етаклаб, софлик яъни сафо даражасигача олиб келиш мумкинлигини таъкидлаган ва бу ҳолат тариқат талаблари асосида амалга ошириши ҳақида фикр билдириб, бу ҳақда «...барча тариқатларнинг машойихлари банда мақомотлардан илгариларгани сари ўз ҳолини кадардан холи қилиб бориши тўғрилигига қўшилганлар. У секин-аста талвин ва тағйир маҳаллидан, яъни тусланиш ва ўзгаришлардан озод бўлади. Барча ўзини васф қилувчи сифатлардан холи бўлиб, сифати маҳмудалар, яъни мақталган сифатлар билан қолади. Ўзини васф қилувчи сифатларни кўрмайди, уларга қизиқмайди, холи ақлу идрокдан ғойиб бўлади, вақти ўй-гумонлар тасарруфидан тоза бўлади»,¹³ – мазмунидаги фикрни келтиради. Хужвирий юқоридаги фикрларга нисбатан ўзининг мустақил нуктаи назарини илгари суриб, ҳақиқатдан ҳам инсон табиатида лойқалик хусусияти яъни хулқ-атвордаги мавжудлигини эътироф этиб, кадарлик хусусиятидан ўта олиш мумкинлигига ишонган. Масалан, мутасаввифнинг қуйидаги «Кадар башарнинг сифатларидан биридир. Сўфийликнинг ҳақиқати ана шу кадардан ўтмоқликдир»,¹⁴ - мазмунидаги фикрлари юқорида билдирилган фикрларга тўлиқ далил бўла олади. Инсон борлиги масалалари Хужвирий тасаввуфий-фалсафий қарашларининг марказий муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотда диссертант томонидан Хужвирийнинг инсон борлигига оид қарашлари тана, руҳ, қалб, нафс ва ҳаво тушунчаларининг таҳлили орқали очиб берилган. Жумладан, мутасаввиф инсон борлиги ҳақида фикр юритганда, «Одамнинг тийнатида эса шахват аралашгандир, маъсиятга мойиллик у билан ҳамроҳдир, дунё зийнати дилига таъсир қиладигандир ва хирсу ҳийла таъбида ёйилгандир. Шахсиятида шайтон салтанати шу кадарки, терлаган теридан тортиб, қонигача эгаллаган. Ва яна ёмонликларга даъват қилувчи нафс унга ўрнаштирилганки, барча ёмонликларга тўхтовсиз ундаб туради. Бас, киши вужудининг васфи шудир»¹⁵ – деган қарашни илгари сурган.

Мутасаввифнинг комил инсон концепциясида ҳам инсоннинг камолот сари юксалишида тўсиқ бўладиган ҳижоблар мавжудлиги ва бу ҳижоблар

¹²Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣёбий Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 23

¹³Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣёбий Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 23

¹⁴Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣёбий Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 23

¹⁵Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣёбий Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 147

кашф этилиб, инсоннинг «сафо» – соф ҳолатга келиши масаласи таҳлил нуқтасига айлантирилган. Ҳужвирий комил инсон концепциясининг асосий моҳияти биринчидан, инсон камолотига тўсиқ бўлган ҳижобларни аниқлаш, иккинчидан, бу ҳижоблардан қутулиш йўлларини кўрсатиш ва бунинг натижасида инсон ҳолатининг ўзгаришини тавсифлашда намоён бўлади. Мутасаввифнинг комил инсон концепциясида ҳар бир ҳижобнинг очилиши масаласи ўзининг мазмун-моҳияти билан руҳий, ахлоқий, маънавий ва жисмоний, танқидий ёндашувга эгаллиги кўзга ташланади. Хусусан, мутасаввифнинг инсон камолотига оид фикрларида биринчи навбатда инсоннинг ўзига нисбатан танқидий муносабатда бўлиши, ўзининг мақтовли сифат ва хусусиятларига маҳлиё бўлмай, кўпроқ ўзидан нуқсон қидириши, ўзининг яхши томонларини кўра олган инсон ёмон томонларини кўра олиши тўғрисида фикр билдирган. Мазкур масалада Ҳужвирий «...банда ўзининг барча мақтовли сифатларига айб кўзи билан қарамоғи ва нуқсон қидирмоғи тўғридир. Негаки, у ўзининг мақтовли сифатларида айб кўра олдим, демак, у тубан сифатларини яна ҳам аниқроқ кўра олади»,¹⁶ – мазмунидаги мулоҳазани илгари сурган. Мутасаввиф инсоннинг вужуди Аллоҳ томонидан ҳижобли қилиб яратилгани, бу ҳижоблар тана, руҳ ва нафс тарбияси, парвариши орқали йўқ бўлиши аниқроғи очилиши, ҳижоблар фоний бўлгандан сўнг инсоннинг соф ҳолатга келишига урғу берган. Зоҳирий ва ботиний покланиш масаласи мутасаввифнинг комил инсон ҳақидаги қарашларида алоҳида ўрин эгаллайди. Демак, Ҳужвирийнинг комил инсонни зоҳиран ва ботинан тарбияланган хилқатдир яъни соф инсондир.

Тадқиқотда диссертант томонидан Ҳужвирийнинг «Кашф ул маҳжуб» асари таҳлили асосида мутасаввифнинг комил инсонни ўзига хос тарзда тушуниши масаласи таҳлил қилинган. Мутасаввифнинг комил инсон тўғрисидаги қарашлари тадқиқ этилиб, унинг ушбу тушунчага берган таърифи аниқлаштирилган. Ҳужвирий фикрига кўра, комил инсон бу – ўзининг камолоти, мукаммаллашиб бориш жараёнига тўсиқ бўладиган ҳолатларни бартараф этган, ақлан, қалбан, руҳан пок бўлиб, нафсини тарбия қилган ва асл инсоний хусусият соҳиби бўлган илоҳий хилқатдир. Ушбу даражага етиш учун аллома ҳижобларни кашф этишни қайд этган ҳамда ушбу тасаввуфий - ирфоний йўлнинг ўн бир босқичини кўрсатган. Демак, Ҳужвирий комил инсон деганда ҳижоблардан тўла қутулган инсонни англаган. Диссертант Ҳужвирий комил инсон концепциясининг таҳлили натижасида мазкур даражага етиш учун, ҳижобларни кашф этиш, яъни очишнинг (маърифат, тавҳид, иймон, таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж, ахлоқ, инсонни зоҳиран ва ботинан гўзаллаштирувчи турли тасаввуфий атамалар изоҳи, симоъ)лардан иборат ўн бир йўлини тавсия этиб, мутасаввифнинг комил инсон концепциясининг моҳиятини асослаган.

¹⁶ Абулҳасан Ҳужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 156

Диссертациянинг «**Хужвирий гносеологик қарашларининг диний-тасаввуфий талқини ва унинг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида мутасаввифнинг тасаввуф гносеологияси, рационал ва иррационал билишнинг алоқадорлиги, «илм» тушунчаси, илмларнинг таснифи, илм ва амал, олим ва жоҳилга оид қарашлари таҳлил қилинган. Хужвирийнинг ирфон, маърифат ҳақидаги ғоялари ҳам тасаввуф гносеологияси ва диний-фалсафий қарашлар ривожини ўрганишда муҳим ўрин эгаллайди. Мутасаввифнинг тасаввуфий-маърифий қарашларида диний, «инсон муомалот илми (яъни, шариат аҳкомлари, илми намоз, рўза ва бошқа фарзлар), илмий, мантиқий, интуитив услублар асос қилиб олинган ва ақл, қалб, далил (истидлол), калом илми (фалсафа, Куръон илми назарда тутилган), талаб, таслим (истилом), таътил, ташбеҳ (ўхшатиш), илҳом, хайрат, иктисоб, зарурат, ҳол, мақом, тамкин, илмул яқийн, айнул яқийн, ҳаққул яқийн, мукошафа, мухозара ва ҳ.к тушунчаларининг таҳлили орқали очиб берилганлиги кўзга ташланади. Мутасаввиф Ҳақни билиш ва танишнинг икки йўли мавжудлигини қайд этиб, «Бас, Худованд таъолони танимоқлик икки хилдир. Биринчиси илмий, иккинчиси ҳолийдир»¹⁷ – дея фикр юритган. Биринчи ҳолат Ҳақни билиш ақлий билиш (рационал) яъни билвосита билишга, иккинчи ҳолатда интуитив (иррационал) билиш яъни бевосита билишга асосланади. Хужвирий Ҳақни билишда ақлий ва интуитив билишнинг ўзаро диалектикасини ёқлаган.

Илм муаммоси тасаввуф таълимотининг марказий мавзуларидан бири бўлиб ҳисобланади. Тасаввуф таълимотининг бир қатор намояндалари илм, билим ва уларнинг таснифи билан махсус тарзда шуғулланиб ва қимматли фикрларини қолдиришган. Хужвирийнинг илм ва унинг таснифи ҳақидаги ғоялари ҳам диққатга сазовордир. Мутасаввиф ўзининг «Кашф ул маҳжуб» асарига илм масаласига махсус эътибор берган. Бу асарнинг «Исбот ул илм» (Илмнинг исботи) деб номланган биринчи боби тўлалигича илм тушунчаси, унинг таҳлили ва таснифига бағишланган¹⁸. Хужвирий илмга «Барча илм сифатига кўра мадҳдир. Унинг ҳадди маълумни ихота қилиши ва баён қилишидир. Яхшироқ чегараси будир: «Илм – тирикни олимга айлантирувчи сифат»¹⁹ – деб таъриф берган. Инсоннинг олам, борлиқ, табиат сирларини ва ҳаттоки ўзини англаши, жамиятда ўз ўрнини топиши, муносиб ҳаёт кечириши, бахт-саодатли бўлиши унинг илмларни қай даражада эгаллагани ва ўзлаштирганига боғлиқ.

Мутасаввиф илмга инсоннинг ҳаёти ва фаолиятини белгиловчи асосий мезон сифатида қараб, илм-маърифатни нурга, жаҳолатни эса зулматга, куйга қиёслайди. Хужвирий дунёда ҳеч бир нарса илм мартабасига тенг кела олмаслиги ҳақида гапириб: «Илм мартабасидан ҳеч бир даража улур

¹⁷Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. - Б. 161

¹⁸Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. - Б. 12-16

¹⁹Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. - Б. 13

